

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА ТИЖОРАТ РИСКЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Шарипова Гулмира Тохировна

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил изланувчиси,
Самарқанд, Ўзбекистон gulmsharipova@mail.ru*

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-6438-8992>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i15

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодий шароитларда корхоналарда тижорат рискларини тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлиб, корхоналар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида риск, таваккалчилик, хавф-хатар, ноаниқлик каби тушунчаларнинг ҳам иқтисодий моҳиятини ёритиб берилган ҳамда тижорат рискларининг келиб чиқишини рағбатлантирадиган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ушбу рисклар билан боғлиқ зарар(фойда) миқдорини ва меъёрий даражасини аниқлаш, тижорат рискларини йўқотиш, суғурталаш ва диверсификациялаш имконияларини кенгайтириш бўйича риск-менежмент тизимини қўллаш масалалари таклиф қилинган.

Калит сўзлар: тижорат rischi, тижорат риск даражаси, оптимал чегаравий қиймат, ноаниқлик, хавф-хатар, таваккалчилик, риск-менежмент.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ КОММЕРЧЕСКИХ РИСКОВ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СУБЪЕКТОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Шарипова Гулмира Тохировна

Соискатель Самаркандского института экономики и сервиса, Самарканд, Узбекистан

Аннотация

В статье рассмотрены теоретические вопросы исследования коммерческих рисков в экономических субъектах в условиях цифровой экономики, выделены экономическая природа таких понятий, как коммерческий риск, опасность и неопределенность. Целях обеспечения стабильности экономической деятельности предприятий выдвинуты вопросы применения системы риск-менеджмента для расширения их возможностей выявления и устранения факторов, стимулирующих возникновение коммерческих рисков, определения размера и нормативного уровня убытков (прибыли), связанных с этими рисками, снижения коммерческих рисков.

Ключевые слова: коммерческий риск, уровень коммерческого риска, оптимальное пороговое значение, неопределенность, риск, риск-менеджмент.

CURRENT ISSUES IN THE RESEARCH OF COMMERCIAL RISKS OF ENTERPRISES IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY

Sharipova Gulmira Tokhirovna

Applicant, Samarkand Institute of Economics and Service, Samarkand, Uzbekistan

Abstract

The article examines theoretical issues in the study of commercial risks in enterprises in the digital economy, highlighting the economic nature of such concepts as commercial risk, danger and uncertainty. In order to ensure the stability of the economic activity of enterprises, questions have been raised about the use of a risk management system to expand their capabilities, identify and eliminate factors that stimulate the emergence of commercial risks, determine the size and standard level of losses (profits) associated with these risks, and reduce commercial risks.

Key words: commercial risk, level of commercial risk, optimal threshold value, uncertainty, risk, risk management.

Кириш

Global Entrepreneurship Monitor маълумотларига кўра “...пандемиядан кейинги иқтисодий шароитларда жаҳон миқёсида молиявий ресурслар тақчиллиги, иқтисодий ресурслар нарх даражасининг беқарорлиги, маъмурий тўсиқларнинг ортиб бориши ҳамда бизнес муҳитининг ноаниқлиги боис кичик бизнеснинг инвестицион фаоллиги 11% га, жаҳон бўйича ЯММ даражаси 2,5% га пасайган, ишсизлик даражаси 6,9% га ошган”[1]. Бундай инновацион ўзгаришлар шароитида корхоналарда тижорат rischi таҳлил қилиш, баҳолаш ва салбий таъсир даражасини пасайтириш долзарб ҳисобланади.

Замонавий рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва кенг қўлланилиши товарнинг истеъмол қимматдорлигини, харид атрибутларини баҳолашда янгича ёндашувларни, бизнеснинг янги моделлари, интернет-савдо, онлайн харид, бозорнинг тор сегментларига кириб бориш асосида истеъмолни индивидуаллаштиришга ўтиши рўй бермоқда. Бу ўз-ўзидан корхоналарда тижорат riskларини тадқиқ этишнинг долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат бермоқда.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили

Классик иқтисодиёт вакилларида А.Смит “..ҳаттоки фойданинг кундалик меъёрига эришиш ҳам маълум даражада riskлар билан боғлиқ”[2] эканлигини таъкидлаб ўтган. Тижорат – иқтисодий фаолиятнинг энг рентабел йўналишларидан бири бўлишига қарамасдан riskлар туфайли тижорат фаолиятнинг ҳам даромадлилик даражаси маълум даражада пасаяди.

Хорижлик олим Д.Хаббард (Douglas W. Hubbard) тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг фикрига кўра “risk бу ноаниқлик, беқарорлик, иқтисодий фаолиятда кутилаётган йўқотиш, салбий таъсири миқдорий жиҳатдан баҳоланмаган вазият, шунингдек рўй бериш эҳтимоли жуда кам бўлган ҳодиса”[3] –сифатида изоҳланган.

Фикримизча, Д.Хаббард тадқиқотлари биз тадқиқ қилаётган тижорат riskларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда муҳим ҳисобланиб, айнан маркетинг қарорларини қабул қилувчи ҳар қандай иқтисодий субъект рўй бериш эҳтимоли жуда кам бўлган ҳодисаларнинг зарар келтириш ёки келтирмаслигига эътиборни субъектив ёндашув асосида танлайди. Бу эса тижорат хатарининг олдини олишда жуда муҳим ҳисобланади.

РФ олимларидан Д.А.Михайловскийнинг тадқиқотларида рақамли иқтисодий муносабатларда тижорат фаолияти билан боғлиқ рискларни ўрганишга урғу қаратилган бўлиб, муаллиф “рискларни баҳолашда даставвал уларнинг таъсирини келгусида миқдорий баҳолаш мумкинлигига, миқдоран баҳолаш имкони бўлмаганда истеъмолчиларнинг содиқлиги ва брендга мойиллигини ошириш асосида компенсация қилиш лозим” [4] – деган хулосага келган. Фикримизча, Д.А. Михайловскийнинг тадқиқоти бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланиб, мамлакатимиз иқтисодий субъектларининг электрон тижорат муҳитида рискларни самарали бошқаришда аҳамиятга моликдир.

С.Т.Исламова ва Е.А.Качановалар томонидан корхоналарда рискларни самарали бошқариш мақсадида риск-менежмент тизимини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ўрганилиб “рискларни бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш, лойиҳалар бўйича риск мониторингини ташкил қилиш, корхона ходимларини рискли вазиятларда ишлаш кўникмаларини шакллантириш” [5] лозимлиги таъкидланган.

С.Т.Исламова ва Е.А.Качановаларнинг тадқиқотининг муҳим жиҳати шундаки, корхоналарда риск менежмент тизимини ташкил этиш асосида ҳар бир ходимнинг рискли вазиятларга нисбатан ёндашувини аниқлаш, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирокини таъминлаш ҳамда рискларнинг мумкин бўлган энг кам даражасини белгилаш асосида ресурслар йўқотилишини олдиндан кафолатлаш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз олимларидан Н.К. Шаисламованинг илмий ишларида инновацион лойиҳаларни венчурли молиялаштиришда келиб чиқадиган инновацион рискларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни самарали бошқариш усуллари ёритилган бўлиб, у “...ноаниқлик шароитида венчур капиталидан фойдаланган ҳолда, илмий-техникавий ва инновацион фаолият давомида кўриладиган даромад ва фойдани йўқотиш ёки венчур капитали инвестицияларини қисман ёки тўлиқ йўқотиш эҳтимоли тушунилади” [6] – деб таърифлайди.

А.А.Бектемировнинг тадқиқотларида тадбиркорлик рискларини баҳолаш ва пасайтириш йўллари тадқиқ қилинган бўлиб, муаллифнинг таъкидлашича, “риск бу – рақобат шароитида бизнес жараёнлари иштирокчиларининг фаолият натижаларини аниқ прогнозлаш имконини бермайдиган, айти пайтда бизнеснинг ривожланишини рағбатлантирувчи ҳодиса” [7] сифатида изоҳланган.

Д.Н.Баймирзаев тадқиқотларида фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни миқдорий баҳолаш ва уларни бошқариш муаммоларига алоҳида урғу қаартилган ҳолда “фермер хўжаликлари учун икки асосий ўзгарувчилар, яъни ҳосилдорлик ва нархлардаги тебранишлар улар фаолиятидаги хатарларнинг асосий манбалари сифатида эътироф этилган ҳамда ҳосилдорлик хатарини миқдорий баҳолаш фермер хўжаликларидаги хатарларни бошқаришда муҳим ўрин тутиши” [8] эканлиги таъкидланган.

Тадқиқот методикаси

Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган. Тадқиқот методологияси рақамли иқтисодий муносабатларда корхоналарда иқтисодий фаолият барқарорлигини таъминлашда риск, таваккалчилик, хавф-хатар, ноаниқлик каби тушунчаларнинг ҳам

иқтисодий моҳиятини ёритиш ҳамда тижорат rischi даражасини камайтиришда риск-менежмент тизимини қўллаш мумкинлиги ҳақидаги гипотезага асосланган.

Таҳлиллар ва натижалар

COVID – 19 пандемиясидан кейинги даврда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса жамият ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий локдаун хизмат кўрсатиш соҳасида онлайн- савдо ва етказиб бериш хизматларининг устуворлигини таъминлашга имкон берди. Бу борада етакчи бўлган мамлакатлар (Хитой – 29,9%, АҚШ – 13,9% ва %, РФ – 11%)нинг хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли иқтисодий муносабатлар сезиларли улушга эга бўлиб[9] ва ўзига хос e-commerce инфратузилмасини шакллантирди. Ўзбекистонда 2020-2023 йиллар давомида онлайн-тижорат улуши 50% га яқин ўсишга эришди ва чакана савдо ва хизматлар кўрсатишда 4,6% га тенг бўлди[10]. Маркетплейлар, электрон савдо майдончалари, интернет-дўкон ва онлайн харидларга бўлган жуда катта талаб шаклланди.

Иқтисодий муносабатларнинг рақамли муҳитга трансформациялашуви билан хизматлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Уларнинг жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- фаолиятни бозорнинг ўта тор сегментларига йўналтирилиши натижасида истеъмолни қондиришнинг индивидуаллашуви;
- бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг номарказлашуви;
- BigData асосида бозор трейдингининг ривожланиши;
- иқтисодий фаолиятда мобил интернет ва 5G қўлланилиши;
- онлайн-тижорат моделларининг қўлланилиши;
- юқори технологиялар асосида иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш асосида рақобат устунлигининг кучайиб бориши ва шу кабилар.

Албатта бу ижобий тенденция, шу билан бирга рақамли технологияларнинг қўлланилиши билан тижорат riskларининг ҳам таъсири ортиб боради. Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат riskлари ҳақида гап кетганда riskларни баҳолаш, уларнинг бошқаришда рақамли технологиялар Bigdata, булутли технологиялар, буюмлар интернет ва сунъий интеллект технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилади. Буни қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Иқтисодий муносабатларнинг рақамли муҳитга трансформациялашуви билан хизматлар соҳасида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар

Тенденциялар	Ижобий таъсири	Риск ва хатарлар
Бозорнинг ўта тор сегментларига йўналтирилганлик	– маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кучайиши; – истеъмолчилар содиқлиги ва брендга мойиллигининг кучайиши; – сақлаш харажатларининг камайиши; – франшиза муомаласининг кенгайиши ва шу кабилар.	– ишлаб чиқариш қувватларига тобеликнинг ортиши; – қўшимча инвестицияга талабнинг ортиб бориши; – бозорга қириш тўсиқларининг кўпайиши; – маркетинг технологияларига тобеликнинг ортиши ва шу кабилар.

Тенденциялар	Ижобий таъсири	Риск ва хатарлар
BigData асосида бозор трейдингининг ривожланиши	– талабнинг ўта индивидуаллашуви; – товар ассортиментининг оптималлашуви; – бизнес-жараёнларнинг оптималлашуви; – рақамли товарларнинг пайдо бўлиши ва шу кабилар.	– шахсий ва корхона маълумотларининг йўқотилиши; – киберхавфсизлик; – ахборот ҳимоясига йўналтириладиган сарфларнинг ортиши ва шу кабилар.
иқтисодий фаолиятда мобил интернет ва 5G қўлланилиши	– бизнеснинг янги моделларининг пайд бўлиши; – транспорт ва логистик занжирда харажатларнинг камайиши; – бизнес-жараёнларнинг жадаллашуви ва шу кабилар.	– киберхавфсизлик харажатларининг ортиб бориши; – коммуникация тармоқларининг барқарор ишламай қолиши; – электрон-савдо улушининг ортиши; – рақамли технология ва инфратузилмага тобеликнинг ортиб бориши; – юқори технологияларга сарфларнинг ортиб бориши ва шу кабилар.
онлайн-тижорат моделларининг кенг қўлланилиши	– янги бозорларга чиқишнинг тезкорлиги ва миқёслилиги; – омбор харажатларининг камайиб бориши; – халқаро ва минтақавий бозорларга чиқиш имкониятининг кенглиги ва шу кабилар.	– ички рақобатнинг кучайиши; – сиёсий таъсирларнинг ортиб бориши; – рақамли технология ва инфратузилмага тобеликнинг ортиб бориши ва шу кабилар.
юқори технологиялар асосида иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш	– талабнинг ўта индивидуаллашуви; – товар ассортиментининг оптималлашуви; – логистик занжирда харажатларнинг камайиши; – бизнес-жараёнларнинг жадаллашуви ва шу кабилар.	– киберхавфсизлик харажатларининг ортиб бориши; – қўшимча инвестицияга талабнинг ортиб бориши; – ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориш зарурати; – рақамли технология ва инфратузилмага тобеликнинг ортиб бориши ва шу кабилар.

Манба. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Айниқса, иқтисодиётда, электрон бизнес ва электрон тижоратда атроф-муҳитни ҳимоя қилишда анъанавий иқтисодиётдан рискларни бошқариш методларидан, бозор механизмларидан воз кечиш ва IT технологияларидан фойдаланиш ўта аҳамиятлидир. Чунки тижорат рисклари иқтисодий моҳиятига кўра бошқа рисклар билан умумий характерга эга бўлиб, улар билан иқтисодчилар, молиячилар, социологлар, таҳлилчилар мунтазам шуғулланиб келади, бироқ уларнинг бугунги кунда қўллаётган таҳлил услубияти ва йўналишлари рақамли муҳитда ўз аҳамиятини йўқотади десак муболаға бўлмайд.

Корхоналар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида риск, таваккалчилик, хавф-хатар, ноаниқлик каби тушунчаларнинг ҳам иқтисодий моҳиятини ёритиш ва чегаралаш, рўй бериши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, тижорат рискларининг келиб чиқишини рағбатлантирадиган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, тижорат рисклари билан боғлиқ зарар(фойда) миқдорини ва меъёрий даражасини аниқлаш, тижорат рискларини йўқотиш, суғурталаш ва диверсификациялаш имконияларини кенгайтириш ҳамда риск-менежмент фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Риск ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан бири- ички ва ташқи муҳит омиллари таъсирида вужудга келадиган ҳамда кутилаётган натижага эришиш мақсадида унга аниқлик киритиш талаб этиладиган, зарур ҳолларда бартараф этиш лозим бўлган ҳодиса ҳисобланади. Моҳиятан риск кўзга кўринмас хавф-хатардир.

Хавф-хатар - корхоналар томонидан рискларнинг иқтисодий моҳиятини очиб берилиши, салбий таъсир даражасини тўғри баҳолаган ҳолда ўз фойдасини максималлаштириш имконсизлигидир.

Ноаниқлик – деганда корхоналар томонидан тижорат рисклари ҳақида тасаввурга эга бўлишига қарамасдан уларнинг таъсир даражаси аниқ баҳолай олмаслиги, зарарли таъсирини миқдорий жиҳатда баҳолай олмаслиги тушунилади.

Таваккалчилик - корхоналарнинг рискларнинг мавжудлигини, уларнинг зарарли таъсирининг мавжудлигини қисман англаган ҳолда энг кам зарар кўришни кўзлаб иқтисодий фаолиятни амалга оширишидир.

Тижорат рискларининг муҳим жиҳатларидан бири иқтисодий фаолиятга нафақат салбий, балки ижобий таъсир кўрсатишидир. Тижорат рисклари рағбатлантириш, ҳимоялаш ва ташкилий функцияга ҳам эгадир. Рағбатлантириш функциясига кўра рисклар корхоналарнинг фойдани ошириш мақсадида иқтисодий фаолиятини кенгайтиришни, шу мақсадда барча салбий таъсирларни камайтиришга ҳаракат қилади. Ҳимоялаш функциясига кўра рисклар туфайли корхоналар учун ноаниқ бўлган, хатар даражаси юқори бўлган фаолият билан шуғулланмайди, шу орқали иқтисодий зарар кўрмасликни кўзлайди. Ташкилий функцияси деганда рисклар туфайли корхоналар инқирозли вазиятларнинг олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқотлар, риск даражасини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилади, рискларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича алоҳида ташкилий тузилмалар ташкил қилинади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, корхоналарда тижорат риск турлари бўйича етарлича тасаввур, уларни камайтириш чора-тадбирлари мавжуд бўлишига қарамасдан бугунги бозор муҳити ва конъюнктураси таъсирида вужудга келувчи тижорат рискларни самарали бошқариш орқали синергетик самарага эришиш имконини берувчи риск-менежмент тизими, рискларнинг рўй бериши мумкин бўлган энг оптимал даражасини белгилашга қаратилган иқтисодий-математик аппарат тўлақонли ишлаб чиқилмаган. Шу мақсадда пандемиядан кейинги шароитларда “...ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш йўналишида товар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яхшилашга қаратилган таркибий ислохотларни давом эттириш орқали 2030 йилга бориб йиллик инфляцияни 5-6 фоиз даражасида таъминлаш, йирик аҳоли манзилларида чакана савдо ҳажмини 2-3 баробарга ошириш имкониятини яратиш”[11] бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш баробарида корхоналарнинг бу борадаги имкониятини янада кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ошириш асосида аҳолининг товар ва хизматларга бўлган истеъмолини қондириш вазифаларининг самарали бажарилишига эришиш, юзага

келадиган рисклар даражасини баҳолаш ҳамда уни пасайтириш бўйича зарур чораларни амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Корхоналарда тижорат рискларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосага келинди:

корхоналарда “тижорат rischi даражаси” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини минимал кўрсаткичи ялпи фойда ҳажмини максималлаштириш имконини берувчи оптимал чегаравий қиймат нуқтаи назаридан бойитиш лозим;

корхоналардада тижорат rischi даражасини баҳолаш услубиятини корхона, тармоқ ва соҳа доирасида микро-, мезо-, макродаражасидаги интеграл кўрсаткичлар тизимини шакллантириш асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

корхоналарда тижорат rischi даражасини камайитиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ички ва ташқи омиллар таъсирида вужудга келувчи тижорат рискларни самарали бошқариш орқали синергетик самарага эришиш имконини берувчи риск-менеджмент тизимини ташкил қилиш асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Global tadbirkorlik faolligi tadqiqot markazi (Global Entrepreneurship Monitor, GEM) <https://www.gemconsortium.org/>.

2. Терский М.В. Проблема рисков в классической школе экономической теории // Вестник ТГЭУ. 2001. №2 (18).

3. Douglas W. Hubbard (2020) The Failure of Risk Management: Why It's Broken and How to Fix It, 2nd Edition. ISBN: 978-1-119-52203-4 384 Pages.

4. Михайловский Д.А. Развитие методов управления рисками торгового предпринимательства в условиях цифровой трансформации экономики. Автореферат диссертации на соискание к.э.н. Санкт-Петербург – 2022.-22 с.

5. Исламова Светлана Тагировна, Качанова Елена Анатольевна. Риск-менеджмент в корпоративной системе управления проектами // Вестник ЧелГУ. 2019. №7 (429).

6. Шаисламова Н.К. Инновацион лойиҳаларни венчурли молиялаштиришда рискларни самарали бошқариш усуллари. -2021. -№ 1(3). – Б. 4–11. <https://doi.org/10.47390/A1342132021N1>

7. А.А.Бектемиров. Тадбиркорлик рискларини баҳолаш ва пасайтириш йўллари (хизмат кўрсатиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, ТДИУ. Тошкент, 2023 й.–56 б.

8. Баймирзаев Д.Н. Фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни миқдорий баҳолаш ва уларни бошқариш муаммолари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2019 yil.

9. <https://www.statista.com/statistics/379046/worldwide-retail-e-commerce-sales>

10. Ш.У.Ташматов. Интернет-савдо хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такмиллаштириш Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, СамИСИ. Самарқанд, 2023 й.–53 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.